

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Солибоева Гулузрахон Минхожидиновна

Андижон шаҳар 3-сон касб ҳунаар мактаби

“Махсус фанлар” кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоқларига жалб қилинаётган инвестициялар ҳақида сўз кетган. Қишлоқ хўжалигига бўлаётган эътибор таҳлил қилинган. Сохага инвестициялар киритиши учун тақлифлар киритилган.*

***Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, сугурта, фан-техника, инвестициялар.*

Инсон эҳтиёжлари битмас туганмасдир. Айниқса озиқ-овқат эҳтиёжлари хамиша бирламчи эҳтиёжлигича қолади. Чекланган ресурслар шароитида инсоннинг чексиз онгу тафаккур маҳсулларини ишга солиш орқали инсоният ўз кўзлаган мақсадига эриша олади. Бу борада қишлоқ хўжалиги имкониятлари бизнинг “тупрогига бир найза суқса ҳам эртага ҳосил берувчи” жаннатмакон юртимизда яққол номоён бўлади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ ер ўз эгасига яъни фермерларга берилди. Бунинг замирида рақобат ва ўз ерига меҳр билан парваришlash орқали халқимиз эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, чет эл бозорларини ҳам ўзининг сифатли маҳсулотлари билан тўйинтириш масаласи кўзда тутилган.

Айниқса мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок ҳорижий инвестициялар олиб киришга кенг йўллар очиб берилиши, Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони амалдаги валютани тартибга

солиш тизимини тубдан ислоҳ этиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган жуда ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эга фармон бўлди. Албатта бу фармон чет эл инвесторлари учун қулай имкониятларини эшигини яна бир бора очди. Мамлакатимизда ҳуқуқий базанинг мустаҳкамлиги сиёсий вазиятнинг барқарорлиги инвесторларни ўзига жалб этади. Хусусан 2017 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасига оид 5 та қонун, 20 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинди, 2 та янги қўмига ва 3 та уюшма тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ПФ-5134 4 апрель 2017 йилда қабул қилинган Президент Фармонида кўра қишлоқ хўжалигида илғор фан техника ютуқларидан фойдаланиш, озиқ овқат хавфсизлигини таъминловчи дастурлар ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани яхшилаш ва қишлоқ хўжалигига инвестицияларни фаол жалб қилиш кўрсатиб ўтилган.

Ўтган йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига Жанубий Корейдан жами 7 миллиард долларлик инвестициялар жалб қилинди, Корея Республикаси компаниялари иштирокида 500 дан ортиқ корхона ташкил этилди. Тасдиқланган «йўл харитаси»га мувофиқ, бугунги кунда мамлакатимизда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёд 60 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқди.¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 18 январь куни Жаҳон банки бош ижрочи директори Кристилина Георгиева бошчилигидаги делегацияни қабул қилган чоғида, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, ижтимоий инфратузилма ва коммунал хўжаликни модернизация қилиш, молия секторини ривожлантириш, илғор технологиялар, давлат ва хусусий сектор шериклиги механизмларини жорий этиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш

¹Газета.уз 14.02.2018й

соҳаларидаги лойиҳалар, тиббиёт ва таълимдаги дастурларни амалга ошириш ҳамкорликнинг устувор йўналишлари этиб белгилаб олинди.

2017 йил 9 декабрь Президантимишнинг қишлоқ хўжалиги ҳодимлари кунига бағишланган йиғилишда соҳа ҳодимларининг фидокорона меҳнати орқали дастурҳонларимиз тўқинлигини таъкидлаб ўтди. Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган тадбирлар қўллаб-қувватланиб, бунинг ташаббускори бўлган хўжалик ва ташкилотларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиб берилмоқда. Натижада бугунги кунда қарийб 240 минг гектар майдонда ана шундай технологиялар, жумладан, 28 минг гектар ерда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолияти тубдан такомиллаштирилди. 2018-2019 йилларда банк кредитлари ҳисобидан 145 та лойиҳа доирасида қўшимча 35 минг бош зотдор қорамол боқиш йўлга қўйилади. Умумий қиймати 280 миллиард сўм бўлган 80 та лойиҳа асосида қўшимча 3 миллион 200 минг бош парранда боқишга мўлжалланган хўжаликларни ташкил этиш керак. Шунинг ҳисобидан 2018 йилда тухум етиштиришни 10 фоизга ошириб, унинг умумий ҳажмини 7 миллиард 800 миллион донага етказиш имкони юзага келади.

Ўзбекистонда гўшт-сут маҳсулотлари нархларини бир меъёрга ушлаб туриш мақсадида ёғ-мой корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган чорва озуқасини биржа савдолари орқали, биринчи навбатда, бозорларга арзон нархларда гўшт етказиб берган фермер ва деҳқон хўжаликларига ажратиш тартиби жорий этилади. Қоракўлчилик хўжаликларига ҳам куз-қиш мавсумида омухта ем маҳсулотлари биржа савдолари орқали имтиёзли нархларда етказиб берилади.

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг таваккалчилиги узок муддатли таваккалчиликка тўғри келиб, албатта тармоқ соҳаларини суғурта қилдиришга катта эътибор берилмоқда. ”Ўзагросуғурта” ДАСК томонидан 100 дан ортиқ суғурта хизматлари таклиф этилаётган бўлса, шундан 40 дан ортиғи қишлоқ

хўжалиги суғуртасидир. Агар фермер ўз хўжалигини барча қалтисликлардан суғурта қилдирса , таъриф 10% га камайтирилади. Кетма-кет 3 йил суғурта қилдириб, суғурта товони олмаган тақдирда кейинги йил шартнома тузишда 30% лик имтиёз белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни жалб этиш учун аввало қуйидагиларга эътиборимизни қаратишимиз даркор:

1. Фермерларга агроконсалтинг хизматларини кўрсатувчи корхоналар фаолиятини ташкил этиш
2. Банклар ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш
3. Суғурта хизматини турларини кенгайтириш
4. Қишлоқ хўжалигининг кенг соҳалари бўйича илмий марказларни ролини ошириш, зеро хар бир фаолиятимизда илмийликка асосланишимиз керак.
5. Фан техника ютуқларидан бевосита фермерларни хабардор этиш, хўжалик фаолиятида кенг фойдаланиш.
6. Қишлоқ хўжалигига етук мутахасисларни етиштириб бериш, зеро хар бир соҳани эгаллаган мутахасис эртага юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликни олдини ола билишлиги керак.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ердан унумли фойдаланиш учун энг сўнгги техникаларни фермер хўжаликларига инвестиция қилиш хозир ҳам муҳим вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Газета.уз 14.02.2018й
2. Кун.уз
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 декабрдаги Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги НУТҚИдан